

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.05.2018.Yu.67.01. РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ**

ТОШОВ МУХАММАД РАЖАБОВИЧ

**ХОДИМНИНГ АЙБИГА БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН АСОСЛАРГА КЎРА
ИШ БЕРУВЧИ ТАШАББУСИ БИЛАН МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИНИ
БЕКОР ҚИЛИШ**

12.00.05 – Меҳнат хуқуқи. Ижтимоий таъминот хуқуқи

**юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Тошов Мухаммад Ражабович

Ходимнинг айбига боғлиқ бўлмаган асосларга қўра иш берувчи ташаббуси
билин меҳнат шартномасини бекор қилиш3

Toshov Mukhammad Rajabovich

Termination of an employment contract at the initiative of the employer
on basis unrelated to the fault of the employee.....22

Тошов Мухаммад Ражабович

Прекращение трудового договора по инициативе работодателя
по основаниям, не связанным с виной работника41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works

Список опубликованных работ.....45

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.05.2018.Yu.67.01. РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ**

ТОШОВ МУХАММАД РАЖАБОВИЧ

**ХОДИМНИНГ АЙБИГА БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН АСОСЛАРГА КЎРА
ИШ БЕРУВЧИ ТАШАББУСИ БИЛАН МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИНИ
БЕКОР ҚИЛИШ**

12.00.05 – Меҳнат хуқуқи. Ижтимоий таъминот хуқуқи

**юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.PhD/Yu261 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.proacademy.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Исмоилов Шухратжон Абдусаминович
юридик фанлари доктори (DSc)

Расмий оппонентлар:

Усманова Муборак Акмалджановна
юридик фанлари доктори, профессор

Абдуллаева Дилфуза Сайдазимовна
юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
қошидаги Юристлар малакасини ошириш
маркази**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси ҳузуридаги DSc.30.05.2018.Yu.67.01. рақамли илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгашнинг 2022 йил 9 сентябрь соат 15.00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Шахрисабз кўчаси 42. Тел.: (99871) 2002-04-96; факс: (99871) 202-04-96; e-mail: info@proacademy.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (14-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Шахрисабз кўчаси 42. Тел.: (99871) 2002-04-96).

Диссертация автореферати 2022 йил 29 август куни тарқатилди.

(2022 йил 29 августдаги 14-рақамли реестр баённомаси).

Б.Х.Пулатов

Илмий даражалар берувчи Бир марталик илмий кенгаш раиси, юридик фанлари доктори, профессор

Л.Х.Исоқов

Илмий даражалар берувчи Бир марталик илмий кенгаш котиби, юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Ф.Х.Рахимов

Илмий даражалар берувчи Бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлари доктори, профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарбилиги ва зарурати. Дунёда пандемиянинг меҳнат бозорига ва миллий иқтисодиёт тизимларига қаттиқ таъсири кўплаб тармоқларда бўлгани каби меҳнат муносабатлари олдида ҳам янги чақириқларни пайдо қилди. Пандемия билан боғлиқ ҳолат кўнишиб ултурган ҳаёт тарзимиз ва муносабатларни атрофлича қайта кўриб чиқишга, уларга янгича ёндашувга, айримларини эса таҳрирлашга, келгуси режаларга ҳам бошқача назар билан қарашга ундади.

Жаҳонда 2020 йилда меҳнат бозорлари улкан зарап кўрганини ХМТнинг «ILO Monitor: Covid-19 and the world of work» номли ҳисоботида тақдим этилган йиллик баҳолаш натижалари ҳам тасдиқлайди. Хусусан, дунё мамлакатларида иш вақти йўқотилиши 8,8 фоизга (2019 йил 4-чорагига нисбатан) тенг бўлиб, бу тўлиқ бандлик ҳолатидаги 255 млн. иш ўрнига тенг. Мазкур ҳолат 2009 йилги жаҳон молиявий инқирози давридагига нисбатан тахминан тўрт баробарга кўп¹. Глобал иқтисодиёт тизимининг бир қисми бўлган Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам мазкур омиллар таъсир қилиб, бу эса ўз навбатида ушбу салбий таъсирларни юмшатиш бўйича самарали, шу жумладан меҳнат ҳуқуқини таъминлашга доир тегишли чоралар кўришни талаб қилади.

Республикамида дастлаб Ҳаракатлар стратегиясида ижтимоий соҳани ривожлантириш, меҳнат бозори мутаносиблигини ва инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланган бўлса, 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида эса адолатли ижтимоий сиёsat юритиш, инсон капиталини ривожлантириш устувор йўналишлар сифатида қайд этилди.

Таъкидлаш жоизки, меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шу билан бирга тадбиркорлар манфаатларини таъминлаш бугунги куннинг долзарб мавзуларидан бири бўлиб, мазкур соҳани илмий жиҳатдан тадқиқ қилиш зарурати устувор вазифа саналади.

Юридик адабиётларда меҳнат муносабатларининг асоси сифатида меҳнат шартномасига ҳар доим алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, иш берувчи ташабbusи билан ходимни ишдан бўшатиш тўғрисидаги ҳуқуқий муносабатларни ўрганиш меҳнат ҳуқуқига оид тадқиқотларининг муҳим соҳаси сифатида қаралади. Бу доирага кирувчи муносабатларнинг ижтимоий аҳамияти ниҳоятда юқори бўлиб, агар улар самарали тартибга солинмаса, меҳнат соҳаси ва умуман жамиятда кескинлик ортишига олиб келиши мумкин.

Ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлили ҳам иш берувчи ташабbusи билан ишдан бўшатиш муносабатлари анча зиддиятли соҳа ҳисобланишини кўрсатади. Бу турдаги низолар судлар томонидан кўриб чиқилаётган меҳнат муносабатларига оид фуқаролик ишлари ичida салмоғи юқори эканлиги ҳам ушбу масалани илмий-назарий тадқиқ этиш лозимлигини тақозо этади.

Суд статистикасига эътибор қаратадиган бўлсак, ишга тиклаш ҳақидаги ишлар бўйича келиб тушган даъво аризалари 1999 йилда 865 та, 2000 йилда

¹ https://www.ilo.org/global/topics/coronavirus/impacts-and-responses/WCMS_767028/lang--ru/index.htm

эса 890 тани ташкил этган бўлса¹, 2019 йилга келиб 1964 тани (шундан, қаноатлантирилган 775 та, рад этилганлари 883 та, кўрмасдан қолдирилган 167 та, иш юритиш тугатилган 139 та), 2020 йилда 2385 тани (1040/882/282/181), 2021 йилда 3221 тани (1404/1202/438/177), 2022 йилнинг 1-ярмида 1447 тани (635/532/202/78) ташкил қилган².

Шунингдек, 2021 йилнинг биринчи ярми якуnlари бўйича Давлат меҳнат инспекциялари томонидан 26 мингдан ортиқ қонунбузилиши ҳолатлари қайд этилган бўлса, 2022 йилнинг биринчи ярмида 41 минг 150 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланган³.

Таъкидлаш жоизки, меҳнат муносабатлари субъектларининг манфаатлари турлича бўлиб, улар қонун олдида тенг бўлиши ҳамда амалда таъминланиши лозим. Ижтимоий антагонизм, яъни зиддиятдан қочиш учун ходим ва иш берувчи ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари мақбул мувозанатни топиш зарур. Бу эса меҳнат ҳуқуқини, хусусан меҳнат шартномаси институтини илмий тадқиқ этишини долзарб вазифалари қаторига киради.

Юқорида қайд этиб ўтилган ижтимоий ва иқтисодий омиллар фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари амалда тўлиқ таъминланиши, хусусан, ишдан бўшатиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларнинг аниқ ҳамда тўлат-тўқис ҳуқуқий тартибга солинишини тақозо этади. Айниқса, бунда иш берувчи ташаббусига кўра меҳнат шартномасини бекор қилишнинг қонуний мезонларини белгилаб қўйиш, бир томондан, фуқаролар меҳнат ҳуқуқларини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий кафолати бўлса, иккинчи томондан, бу аҳолини кенг маънода иш билан таъминлаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тадқиқот мавзуси маҳсус монографик тадқиқот предмети бўлмаган, айрим олимлар томонидан мазкур мавзу билан боғлиқ ўқув адабиётлари ёки илмий мақолалар чоп этилган.

Хусусан, ҳуқуқшунос олимлар А.А.Иноятов (маъмурият ташаббуси билан ишчи ва хизматчиларни ноқонуний ишдан бўшатиш), М.М.Мамасиддиқов (меҳнатга оид етказилган моддий ва маънавий заарни ундириш билан боғлиқ низоли ишларни кўриш), М.Ю.Гасанов (меҳнат функциясини ўрнатишнинг шартномавий шакли сифатида), Й.Турсунов (меҳнат ҳуқуқи, халқаро меҳнат ҳуқуқи), М.А.Усманова (ижтимоий таъминот

¹ Мамасиддиқов М.М. Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоли ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари. Монография \\\ ю.ф.д., проф. Ш.Ш.Шораҳметовнинг умумий таҳрири остида.-Т.: 2005.-11-б.

² Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 14.07.2021 йил 07/13-244-сон, 21.01.2022 й. 07/13-32-сон, 13.07.2022 й. 07/13-228-сон хатлари (статистик маълумотлар)

³ <https://mehnat.uz/uz/services/davlat-mehnat-inspeksiyasining-faoliyatidagi-asosiy-kursatkichlari-2021-yil-2-chorak-yakuni-buyicha>

ва ҳимоя), Д.С.Атажанова (аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахслар меҳнати), М.Ж.Зиядуллаев (ёшга доир пенсия тизими ning хуқуқий асослари), Г.Д.Саттарова (меҳнат муносабатларини жамоашартномавий тартибга солиш), Ш.А.Исмоилов (айрим тоифадаги ходимлар билан меҳнат шартномасини бекор қилишнинг хусусиятлари), М.А.Рахимов (ходимнинг меҳнат хуқуқларини ҳимоя қилишнинг усул ва шакллари)лар томонидан чоп этилган илмий ишлар, адабиётлар ва мақолаларда диссертация мавзусига оид айрим масалалар масалалар муайян даражада очиб берилган.

Шунингдек, хуқуқшунос олимлар Ж.Т.Холмўминов, Б.Джамбакиев, Х.В.Бурханходжаева, Д.С.Абдуллаева, Л.У.Рахимқуловалар томонидан чоп этилган илмий тадқиқот мавзуси билан боғлиқ фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Хорижда ходимнинг айбига боғлиқ бўлмаган асосларга кўра иш берувчи ташабbusи билан меҳнат шартномасини бекор қилишнинг айрим жиҳатлари билан боғлиқ комплекс тадқиқотлар ва ўрганишлар Г.А.Агафонова, Н.В.Демидов, В.Архипов, О.М.Шевчук, К.Н.Гусов, А.Я.Петров, И.А.Костян, А.М.Куренной, А.Ф.Нуртдинова, М.Ю.Тихомиров, В.И.Миронов, В.В.Кантер, И.А.Гашева, Е.А.Ершова, В.И.Симонов, Е.С.Батусова, А.З.Долова, Н.Collins, B.Creighton, A.Stewart, K. Lucassen, T.McAdams, M.Wendler ва бошқалар томонидан ўтказилган.

Хусусан, хуқуқшунос олимлар Г.Агафонова ва Н.Демидовлар иш берувчи ташабbusига кўра меҳнат шартномасини бекор қилишни маҳсус тадқиқ этган бўлса, И.Я.Киселев, K.Lucassen, M.Wendlerлар мазкур мавзу бўйича қиёсий-хуқуқий таҳлилларни амалга оширган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясининг 2021-2023 йилларга мўлжалланган илмий тадқиқот ишлари режасининг «Меҳнат қонунчилигини такомиллаштиришнинг илмий-назарий ва амалий масалалари» йўналиши доирасида олиб борилган.

Тадқиқотнинг мақсади ходимнинг айбига боғлиқ бўлмаган асосларга кўра иш берувчи ташабbusи билан меҳнат шартномасининг бекор қилинишига боғлиқ муносабатларнинг хуқуқий тартибга солинишидаги муаммоларни ҳал қилишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

иш берувчи ташабbusи билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тарафлардан бирининг ташабbusига асосланганлиги сабабли меҳнат шартномаси институтининг меҳнат шартномасини бекор бўлиши, меҳнат шартномасининг бекор қилиниши, меҳнат шартномасини бекор қилиш, ишдан бўшатиш, ишдан озод қилиш, лавозимидан озод қилиш тушунчаларини илмий тадқиқ этиш;

иш берувчи ташабbusи билан меҳнат шартномасини бекор қилишнинг асосларига хуқуқий баҳо бериш;

ходимлар сони (штати) қисқариши, корхонанинг тугатилиши, ходимнинг малакасизлиги, ходимнинг соғлиғи ёмонлашганлиги, ўриндошлиқ иши чекланиши ёки ўриндошлиқ асосида ишламайдиган бошқа ходимнинг ишга

олиниши, корхона мулқорининг алмашиши, ходимнинг пенсия ёшига тўлиши каби асослар билан меҳнат шартномасини бекор қилиш юзасидан вужудга келаётган муаммоларни илмий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этиш;

иш берувчи ташаббусига кўра меҳнат шартномасини бекор қилишнинг тартиб-таомилларини ва ходимларга бериладиган кафолатлар тизимини танқидий ўрганиш;

хорижий мамлакатларда ходимнинг айбига боғлиқ бўлмаган асосларга кўра иш берувчи ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш хусусиятларини ушбу давлатларнинг норматив-хукуқий ҳужжатларига мувофиқ қиёсий-хукуқий таҳлил қилиш;

ходимнинг айбига боғлиқ бўлмаган асосларга кўра иш берувчи ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш асосларини ўрганиш орқали уларни такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиши.

Тадқиқотнинг обьекти ходимнинг айбига боғлиқ бўлмаган асосларга кўра иш берувчи ташаббусига кўра меҳнат шартномаси бекор қилиниши билан боғлиқ ижтимоий-хукуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети ходимнинг айбига боғлиқ бўлмаган асосларга кўра иш берувчи ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишга оид муносабатларни тартибга солувчи норматив-хукуқий ҳужжатлар, хукуқни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концепциялар, илмий-назарий қарашлардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари қиёсий-хукуқий, мантиқий, тизимли-тузилмавий, социологик, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, индукция ва дедукция, эмперик тадқиқот, статистик маълумотлар таҳлили ва хукуқни қўллаш амалиётини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўз муассисларининг ёки таъсис ҳужжатлари билан ваколат берилган юридик шахс органининг қарори билан ташкилотнинг тутатилганлиги ёхуд иш берувчи жисмоний шахс фаолиятининг тутатилганлиги меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишнинг мустақил асоси эканлиги исботланган;

дастлабки синовнинг қониқарсиз натижаси ёки ходимнинг янги меҳнат шартлари асосида ишлашни рад этишини меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишни назарда тутувчи сабаблар рўйхатига киритилиши зарурлиги асослантирилган;

айрим тоифадаги ходимлар билан иш берувчи ташаббусига кўра меҳнат шартномасини бекор қилишнинг ўзига хос хусусиятлари аниқланиб, хусусан ўриндошлар билан меҳнат шартномасини бекор қилишда огоҳлантириш муддатини қўллаш, ташкилот раҳбари ва унинг ўринбосарлари доирасини белгилаб олиш ҳамда уларни ишдан бўшатишда қўшимча асосларнинг қўлланилиши, ходимнинг пенсия ёшига етганлиги сабабли меҳнат шартномасини бекор қилишда камситиш элементлари ҳамда мавсумий ходимлар ва қисқа муддатли меҳнат шартномаси асосида ишловчи ходимларга огоҳлантиришнинг қисқа муддатларини қўллаш каби жиҳатларнинг мавжудлиги асослаб берилган;

касаба уюшмаси қўмитаси томонидан иш берувчининг ёзма тақдимномаси олинган кундан эътиборан ўн кунлик муддат ичидаги унга жавоб берилмаган тақдирда иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақли бўлиши ҳақидаги қоидани қонунчиликка киритиш зарурати асослантирилган;

ходимларни оммавий равишида ишдан бўшатиш тушунчasi ўз мазмунига ишдан бўшатиладиган ходимлар сони ва ишдан бўшатиладиган муддатдан иборат мезонларга асосланиши лозимлиги асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Меҳнат кодексига ходимнинг айбига боғлиқ бўлмаган асосларга кўра иш берувчи ташабbusi билан меҳнат шартномасини бекор қилишга оид нормаларни киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

иш берувчи ташабbusi билан ходимларни оммавий ишдан бўшатишда касаба уюшмалари билан маслаҳатлашувлар ўтказишнинг тартиб-таомиллари ишлаб чиқилган;

объектив сабаблар натижасида ходимлар сони (штати) қисқарганда иш берувчи ташабbusi билан меҳнат шартномасини бекор қилишда процессуал тартиб-қоидаларга риоя қилинмаганлигининг хуқуқий оқибати бўлган ишга тиклашни компенсация билан алмаштириш зарурлиги асослаб берилган;

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси Олий Мажлис Сенати томонидан қабул қилинганини эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг «Судлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини қўллаш ҳақида»ги қарорини қабул қилиш ва унда меҳнат шартномасини иш берувчининг ташабbusi билан бекор қилишнинг асослари ва тартиби, мазкур масалага оид қонун ҳужжатларини бир хилда қўлланилишини таъминлаш юзасидан тушунириш бериш зарурлиги асослаб берилган ҳамда унинг лойиҳаси ишлаб чиқилган;

ходимларни аттестациядан ўтказиш ҳақидаги Намунавий низомни ишлаб чиқиш ва унда ходимларни аттестациясидан ўтказиш тушунчasi, мақсади ва вазифалари, принциплари, аттестациянинг турлари ва муддатлари, аттестациядан ўтмайдиган ходимлар тоифалари, аттестация комиссияси таркибига ходимлар вакиллик органининг аъзоларини киритиш каби муҳим қоидаларни белгилаб бериш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

Халқаро меҳнат ташкилотининг 1982 йил 22 июндаги «Иш берувчи ташабbusiga кўра меҳнат муносабатларини бекор қилиш тўғрисида»ги 158-сон Конвенциясини ратификация қилиш, шунингдек шу номдаги 166-сонли Тавсиясини миллий қонунчиликка жорий этиш зарурлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари халқаро хукуқ ва миллий қонунчилик нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, хукуқни қўллаш амалиёти, социологик тадқиқотларнинг анкета, интервью ва эксперт баҳолаш шаклларига асосланган, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Холоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий

нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти меҳнат шартномаси институтини меҳнат шартномасининг бекор бўлиши, иш хусусиятининг ўзгариши, ходимнинг ишчанлик қобилиятини баҳолаш, ўриндошлиқ ишининг чекланиши, корхона мулкдорининг алмашиши каби тушунчаларга янги таърифлар ёки уларни ўзгартириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилганлигига намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти унда илгари сурилган илмий хулоса, таклиф ва тавсиялардан меҳнат қонунчилигини такомиллаштиришда ҳамда уларга шарҳлар тайёрлашда, Бош прокуратура Академияси ва Юристлар малакасини ошириш маркази тингловчилари, Тошкент давлат юридик университети, юридик факультетлар талабалари учун ўқув ва методик қўлланмалар тайёрлашда, олий таълим муассасалари ҳамда юридик техникумларда «Меҳнат ҳуқуқи», «Меҳнат шартномаларини ҳуқуқий тартибга солиши», «Меҳнат низоларини ҳал этиши» каби модулларнинг маъруза ва семинарларини ўтишда, илмий тадқиқотлар олиб боришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалардан қўйидагиларда фойдаланилган:

ўз муассисларининг ёки таъсис ҳужжатлари билан ваколат берилган юридик шахс органининг қарори билан ташкилотнинг тугатилганлиги ёхуд иш берувчи жисмоний шахс фаолиятининг тугатилганлиги меҳнат шартномасини иш берувчининг ташабbusи билан бекор қилишнинг мустақил асоси эканлиги ҳақидаги таклиф янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 161-моддасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қонун ижодкорлиги фаолияти тўғрисидаги 2021 йил 28 ноябрдаги 12/21-46-сон далолатномаси). Мазкур таклиф якка тартибдаги тадбиркорлар, лицензияланадиган фаолият билан шуғулланувчи жисмоний шахслар, майший мақсадда ёлланма меҳнатдан фойдаланувчи жисмоний шахслар бўлган иш берувчиларнинг фаолияти тугатилиши ходимлар билан иш берувчи ташабbusига кўра меҳнат шартномасини бекор қилишга имкон берган;

дастлабки синовнинг қониқарсиз натижаси ёки ходимнинг янги меҳнат шартлари асосида ишлашни рад этиши меҳнат шартномасини иш берувчининг ташабbusи билан бекор қилишни назарда тутувчи сабаблар рўйхатига киритилиши ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси янги таҳрирдаги лойиҳасининг 161-моддаси иккинчи қисми 6-бандида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қонун ижодкорлиги фаолияти тўғрисидаги 2021 йил 28 ноябрдаги 12/21-46-сон далолатномаси). Мазкур таклиф иш берувчи ташабbusи билан меҳнат шартномасини бекор қилишда ҳуқуқий нормалар ўртасидаги номувофиқликлар ва амалиётда чалкашликларнинг олдини олишга хизмат қилган;

айрим тоифадаги ходимлар (ўриндошли, ташкилот раҳбари ва унинг ўринбосарлари, пенсия ёшига тўлган ходимлар, мавсумий ходимлар ва қисқа муддатли меҳнат шартномаси асосида ишловчи ходимлар)ни иш берувчи

ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб беришга қаратилган таклифлар 2021 йил 14 октябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси томонидан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 441, 485, 161 ва 499-моддаларида ўз ифодасини топган (Олий Мажлис Конунчилик палатаси Коррупцияга қарши қурашиб ва суд-хуқуқ масалалари қўмитасининг қонун ижодкорлиги фаолияти тўғрисидаги 2021 йил 25 ноябрдаги 06/1-11-5375-сон далолатномаси). Мазкур таклифлар ходимлар меҳнат хуқуқлари кафолатлари белгиланишига, тушунчаларнинг амалиётда тўғри қўлланилишига ҳамда меҳнат муносабатларида камситилишнинг йўл қўйилмаслигига хизмат қилган;

касаба уюшмаси қўмитаси томонидан иш берувчининг ёзма тақдимномаси олинган кундан эътиборан ўн кунлик муддат ичида жавоб берилмаган тақдирда иш берувчи ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақли бўлиши ҳақидаги қоидани киритиш ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси янги таҳрирдаги лойиҳасининг 164-моддасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қонун ижодкорлиги фаолияти тўғрисидаги 2021 йил 28 ноябрдаги 12/21-46-сон далолатномаси). Мазкур таклиф меҳнат шартномаси тарафларининг хуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида мақбул мувозанатнинг белгиланишига ҳамда тарафларнинг судга мурожаат қилиш бўйича конституциявий хуқуқларининг тўлиқ амалга ошишига хизмат қилган;

ходимларни оммавий равища ишдан бўшатиш тушунчаси ишдан бўшатиладиган ходимлар сони ва ишдан бўшатиладиган муддатдан иборат мезонларга асосланиши ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси янги таҳрирдаги лойиҳасининг 9-моддасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қонун ижодкорлиги фаолияти тўғрисидаги 2021 йил 28 ноябрдаги 12/21-46-сон далолатномаси). Мазкур таклиф оммавий ишдан бўшатишнинг аниқ мезонлари белгиланишига ва ходимларнинг меҳнат хуқуқлари ҳимоя қилинишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 1 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 1 та монография ҳамда 12 та илмий иш, шу жумладан, 9 та илмий мақола (2 та хорижий нашрда), 3 та тезис чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, саккизта параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 155 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш (диссертация аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мувофиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим

муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуслари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилингандиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилингандиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ёритиб берилган.

Диссертациянинг «Меҳнат муносабатлари бекор бўлишининг умумий асослари» деб номланган I бобида меҳнат шартномасининг бекор бўлиши тушунчаси, асослари ва таснифи, шунингдек, иш берувчи ташабbusи билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тушунчаси, принциплари ва шакллари таҳлил қилинган.

Хусусан, меҳнат муносабатларининг бекор бўлишини англатишда қонун хужжатларида «меҳнат шартномасини бекор қилиш», «ишдан бўшатиш», «ишдан озод қилиш» тушунчалари қўлланилганлиги, улар мазмунан бир-бирига яқин бўлсада, айнан бир маънони англатмаслиги очиб берилган.

Шу билан бирга «меҳнат шартномасининг бекор бўлиши» тушунчаси ва «меҳнат шартномасининг бекор қилиниши» тушунчалари бўйича ҳуқуқшунос олимларнинг фикрлари (А.Иноятов, М.Гасанов, С.Иванов, Г.Агофонова, В.Гейхман, И.Дмитриева, А.Петров, А.Нуртдинова ва б.) келтириб ўтилган. Таҳлилларга асосан, меҳнат шартномасининг «бекор бўлиши» ва «бекор қилиниши» тушунчаларини аниқлаштириб олиш меҳнат-ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтирувчи, ўзгартирувчи ва барҳам топтирувчи юридик фактлар муаммолари билан боғлиқ деган холосага келинган.

Мазкур бобда дастлабки синовнинг қониқарсиз натижалари бўйича ҳамда ходим янги меҳнат шартлари асосида ишлашни рад этган тақдирда меҳнат шартномасини бекор қилиш бўйича асосларни иш берувчининг ташабbusи билан меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари рўйхатига киритиш (ёки «ушбу Кодексда ва бошқа қонунларда белгиланган бошқа сабаблар» деган мазмундаги ҳаволаки норма белгилаш) зарурлиги асослантириб берилган.

Шунингдек, меҳнат шартномаси бекор бўлиши асосларининг процессуал хусусиятларни аниқлаштириш мақсадида уларнинг турли таснифлари ҳамда бу борада олимларнинг фикр-мулоҳазалари келтирилган.

Мазкур бобнинг 2-параграфида иш берувчи ташабbusи билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тушунчасига кўпчилик олимлар томонидан меҳнат шартномасининг бекор бўлиши тушунчаси доирасида таъриф бериб ўтилган ёки унинг асосий белгиларини санаш билан чекланилганлиги қайд этилган. Олимларнинг бу борадаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, иш берувчи ташабbusига қўра меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ҳақидаги муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг «Иқтисодий омиллар асосида меҳнат шартномасини бекор қилиш ва уларни такомиллаштириш масалалари» деб номланган II бобида ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгариши ҳамда корхона тутатилганлиги сабабли меҳнат шартномасини бекор қилишнинг назарий ва амалий масалалари таҳлил қилинган.

Хусусан, тадқиқот ишида «ходимлар сони (штати)» тушунчасига аниқлик киритилмаганлиги ҳамда бу икки тушунча («ходимлар сони» ва «ходимлар штати») ўртасидаги аниқ фарқ белгилаб берилмаганлиги кўрсатиб ўтилган. Бу эса айнан ушбу асослардан бири билан меҳнат шартномасини бекор қилиш зарурати юзага келганда бу борадаги хужжатларни тўғри расмийлаштиришда қийинчиликларни юзага келтириши таъкидланган. Мазкур тушунчаларнинг ўзаро фарқини очиб бериш мақсадида муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган.

Шунингдек, меҳнат шартномасини иш берувчи ташабbusи билан бекор қилишда «иш хусусиятининг ўзгариши» билан боғлиқ фикр-мулоҳазалар таҳлил қилинган. Хусусан, хуқуқшунос олимлар (М.Гасанов, Н.В.Демидов, Й.Турсунов) томонидан «иш хусусиятининг ўзгариши» тушунчасига берилган таърифлар таҳлил қилинган ва натижасига мазкур тушунчага таъриф ишлаб чиқилган ҳамда уни қонунчиликда белгилаш зарурати кўрсатиб берилган.

Хорижий давлатлар қонунчилигига (Россия, Украина, Қозоғистон) ходимлар сони (штати) қисқариши иш берувчи ташабbusи билан меҳнат шартномасини бекор қилишнинг асоси сифатида кўрсатилган. Ходимлар сони (штати) қисқариши қандай сабаблар билан келиб чиқиши бўйича қўшимча талаблар мавжуд эмас. Ўзбекистонда эса ходимлар сони (штати) қисқариши технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар ёки иш ҳажмининг қисқариши оқибатида келиб чиқсан бўлиши керак. Гарчи, миллий қонунчилик бу борада ходимларнинг хуқуқларини бошқа давлатларнига қараганда кучлироқ ҳимоя қилишга қаратилган бўлсада, бироқ тадбиркорлик фаолияти эркинлиги нуқтаи назаридан ходимлар сони (штати) қисқаришига олиб келган сабаблар рўйхатини қонунчиликда белгиланишини қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги хуносалар илгари сурилган.

Ривожланган давлатлар тажрибасида ходимлар сони (штати) қисқариши содир бўлган, бироқ иш берувчи томонидан меҳнат шартномасини бекор қилишнинг тартиб-таомиллари бузилган тақдирда хуқуқни тиклаш ходимга пуллик компенсация бериш орқали амалга оширилишига эътибор қаратилган. Ўзбекистон меҳнат қонунчилигига эса ходимлар сони (штати) қисқарганда иш берувчининг ходимни ишдан бўшатишда процессуал тартибларга риоя қилмаганлиги (касаба уюшмасининг розилиги олинмаганлиги, ходим огоҳлантирилмаганлиги ва б.) уни ишга тиклашга олиб келади. Мавжуд бўлмаган иш ўрнига ходимни ишга тиклаш самарасиз чора эканлиги асослантирилиб, унинг ўрнига пулли компенсацияни амалга ошириш тўғрилиги кўрсатиб берилган. Бунда хориж тажрибасидан ташқари миллий меҳнат қонунчилигининг айрим нормаларидан ўхшашлик бўйича фойдаланиш ҳам мумкин. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 112-моддаси учинчи қисмига кўра ходимнинг илтимосига кўра суд ишга тиклаш ўрнига унинг фойдасига камида уч ойлик иш ҳақи миқдорида қўшимча ҳақ ундириб бериши мумкинлиги қайд этилган. Ишга тиклашнинг ўрнига пулли компенсациянинг тўланиши мазкур вазиятда ҳам ходим, ҳам иш берувчининг манфаатларига тўлиқ мос келади.

Мазкур бобда корхона тутатилиши иш берувчи ташабbusи билан меҳнат

шартномасини бекор қилишнинг мустақил асоси сифатида эътироф этилади. Бироқ, ушбу асос билан меҳнат шартномасини бекор қилишда бир қатор бўшлиқлар мавжудлиги ва тузатишлар киритишга муҳтожлиги тадқиқот давомида аниқланди. Хусусан, корхонанинг тугатилганланлигини иш берувчи жисмоний шахсларнинг фаолияти тугатилганлиги сифатида қўллаб бўлмайди. Шу сабабли, якка тартибдаги тадбиркорлар, ёлланма меҳнатдан фойдаланувчи нотариус ва адвокатларнинг ўз фаолиятини тугатиши ҳам меҳнат шартномасини иш берувчи ташаббусига кўра бекор қилишнинг мазмунига киритилиши лозимлиги кўрсатиб берилган. Бундан ташқари юридик шахснинг тугатиши тушунчаси корхона тугатилишини англатишини ҳисобга олиб, бундай тугатиши ўз муассисларининг ёки таъсис ҳужжатлари билан ваколат берилган юридик шахс органининг қарори билан амалга оширилиши ҳақида тузатиш киритиш ҳақидаги таклиф илгари сурилган.

Диссертациянинг «Ходимнинг айбига боғлиқ бўлмаган бошқа асосларга кўра иш берувчи ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш масалалари» деб номланган III бобида ходим соғлифининг ҳолатига кўра, ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлигига кўра, ўриндошлиқ ишининг чекланиши ёки ўриндошлиқ асосида ишламайдиган бошқа ходимнинг ишга қабул қилиниши, мулкдорнинг алмашиши ва пенсия ёшига тўлганлиги сабабли меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишнинг асослари атрофлича таҳлил қилинган.

Хусусан, мазкур бобда «малака етишмаслиги» тушунчасини очиб бериш билан боғлиқ изланиш натижалари акс этган. Мазкур тушунчани аниқлашда ХМТнинг халқаро касбларни таснифлашнинг стандартлари, миллий қонунчилигимиздаги нормалар ўрганилган. Бундан ташқари, ҳуқуқшунос олимлар А.Иноятов, Й.Турсунов, И.Астанов, М.Гасанов, Е.Соколов, И.Киселев, В.Мироновларнинг ходимнинг малакаси етарли эмаслигига оид фикр-мулоҳазалари кўриб чиқилган.

Шунингдек, ишда ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги асоси билан меҳнат шартномасини бекор қилишда қонунчилик малака етишмаслигини объектив асослантириб бериш (турлари ва механизмлари)ни аниқ белтилаб бермаганлиги очиб берилган. Бу борадаги хорижий тажриба (Беларусь, Грузия, Украина, Туркменистан, Эстония, Латвия, Россия, Қозогистон) ўрганиб чиқилган. Хусусан, Россия Федерацияси Меҳнат кодекси 81-моддаси биринчи қисми 3-бандида ва Қозогистон Республикаси Меҳнат кодекси 52-моддаси биринчи қисми 4-бандида аттестация натижалари билан тасдиқланган ходимнинг эгаллаб турган лавозимига нолойиқлиги меҳнат шартномасини бекор қилишга асос бўлиши қайд этиб ўтилган.

Шу билан бирга мазкур ҳуқуқий институт бўйича олимларнинг (Н.Демидов, Г.Агафонова, В.Курилов, А.Жиров, Г.Хныкин, А.Нуртдинова ва б.) фикр-мулоҳазалари таҳлил қилинган. Хусусан, ҳуқуқшунос олим Г.А.Агафонованинг ходим ўзига топширилган ишни тўлиқ бажараётган ва унинг иши сифатига нисбатан иш берувчидан шикоят бўлмаган тақдирда, уни эгаллаб турган лавозимига лойиқлигини аниқлаш мақсадида касбий билими, малакаси

ёки қобилиятини текшириш мақсадга мувофиқ эмас деган фикри қўллаб-куватланган.

Ушбу бобда ходим соғлиғи ҳолатининг ёмонлашиши оқибатида бажараётган вазифасига нолойиқлиги сабабли меҳнат шартномасини бекор қилишга оид турли қарашларни таҳлил қилинган. Таҳлиллар натижасида диссертант томонидан ходим соғлигининг ёмонлашиши унинг ўз вазифаларини бажаришга ёки лозим даражада бажаришига тўсқинлик қиладиган меҳнат қобилиятиниң турғун ёки вақтингчалик пасайиши тушунилиши келтириб ўтилган. Шунингдек, ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бажаришда давом этиши касб касаллигига чалинишига ёки соғлигининг янада ёмонлашишига олиб келса ҳам иш берувчи ташабbusи билан меҳнат шартномасини бекор қилиш мумкинлиги кўрсатиб берилди. Бундан ташқари меҳнат шартномасини ходимнинг соғлиғи ҳолатига кўра бекор қилиш унинг ўз ишини давом эттириши меҳнат жамоаси ёхуд фуқаролар учун хавфли бўлган тақдирда ҳам асосли хисобланиши ҳақида холосага келинган.

Бу борадаги Норвегия, Нидерландия, Вьетнам, Латвия, Грузия меҳнат қонунчилигидаги нормалар таҳлил қилиниб, уларда меҳнат қобилиятиниң вақтингчалик йўқотилиши иш берувчига меҳнатга оид муносабатларни тугатиш ҳуқуқини бермаслиги ҳамда вақтингчалик меҳнатга лаёқатсизлик оқибатида меҳнат шартномасини бекор қилиш Халқаро меҳнат ташкилотининг «Иш берувчи ташабbusига кўра меҳнат муносабатларининг бекор бўлиши тўғрисида»ги 1982 йил 22 июндаги 158-сон Конвенциясининг 6-моддаси талабларига мос келмаслиги аниқланган.

Тадқиқот ишининг ушбу бобида ўриндош ходимлар билан меҳнат шартномасининг бекор қилиниши масалалари ҳам ўрганилган. Ўриндош ходимлар меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ҳақида иш берувчи томонидан олдиндан огоҳлантириш бериш лозимлиги асослантирилган.

Амалиётда меҳнат шартномаси корхона мулқдорининг алмашиши сабабли бекор қилиниши борасидаги қоидаларни қўллашдаги муаммоли масалалар таҳлил қилинган. Муайян иштирокчининг хўжалик ширкати ёки жамияти таркибидан чиқиб кетиши, шунингдек, акциядорлик жамиятлари иштирокчилари (акционерлари) таркибида ўзгариш бўлиши корхонанинг мулқори алмашишига ҳамда меҳнатга оид муносабатлар ушбу асос бўйича бекор бўлишига олиб келмайди деган холосага келинган.

Диссертацияниң IV боби «Ходимнинг айбига боғлиқ бўлмаган асосларга кўра иш берувчи ташабbusи билан меҳнат шартномасини бекор қилишда ходимларга бериладиган кафолат ва имтиёзлар» деб номланган. Мазкур бобда иш берувчининг ташабbusи билан меҳнат шартномасини бекор қилишда «кафолатлар» тушунчаси ва турларини аниқлаштириш муҳимлиги ҳамда замонавий илм-фанда бу ҳуқуқий ҳодисани ўрганишга бағишлиланган ишлар камлиги алоҳида таъкидланган ва ушбу ҳуқуқий категорияга муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган.

Шунингдек, иш берувчи ташабbusига кўра меҳнат шартномасини бекор қилишда қўлланиладиган кафолатлар муайян турларга бўлинган ҳолда таҳлил қилинган. Таҳлил натижаларига кўра, номуайян ва қисқа муддатга тузилган

мехнат шартномаларига бир хил муносабатни чеклаш ҳамда иш берувчиларни иқтисодий қўллаб-қувватлаш мақсадида бир йилгача муддатли меҳнат шартномаси асосида ишлаётган, шунингдек мавсумий ходимлар билан меҳнат шартномаси бекор қилинаётганда огоҳлантиришнинг қисқа муддатларини кўллаш мақсадга мувофиқ, деган хulosага келинган.

Тадқиқот ишида меҳнат шартномасини бекор қилиш бўйича касаба уюшмаси тегишли розилигини бермаган тақдирда иш берувчи ушбу қарор устидан судга шикоят қилиш ҳукуқи миллий қонунчилигимиздаги бўшлиқ сифатида эътироф этилган. Шу сабабли ишдан бўшатишга касаба уюшмасининг розилиги ўз вактида билдирилмаганда иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақли бўлиши ҳақидаги қоидани меҳнат қонунчилигига киритиш юзасидан таклиф ишлаб чиқилган.

Миллий қонунчиликда ташкилот рўйхатидаги ходимлар ўртacha сонининг ўн ва ундан ортиқ фоизи ишдан бўшатилиши ходимларни оммавий равища ишдан бўшатиш деб ҳисобланиши белгилаб қўйилган. Бироқ, ишдан бўшатиш жараёни қайси оралиқ муддатни қамраб олиши лозимлиги аниқ кўрсатилмаган. Бу борада Буюк Британия, Германия, Грузия, Россия ва бошқа давлатлар қонунчилигини қиёсий ўрганиш асосида оммавий равища ишдан бўшатиш тушунчаси ўз мазмунига ишдан бўшатиш даврлари ва ишдан бўшатилаётган ходимлар сони каби мезонларга асосланиши лозимлиги мунозаралар ўрин олган.

Шу билан бирга, мазкур бобда хорижий давлатларда меҳнат шартномасини бекор қилишда кафолатлар доирасининг кенгайиши тенденциялари таҳлил қилиниб, кафолатлар мослашувчан шакл, қатъий белгиланган шакл ва аралаш шаклларга бўлинган ҳолда ўрганилган.

Ўрганишлар натижасига кўра, айрим хориж давлатларида мазкур жараёнларнинг тартибга солиниши иқтисодиётдаги глобаллашув жараёнларини ҳисобга олган ҳолда иш берувчиларни (инвесторларни) ўз мамлакатига жалб қилишга бўлган қизиқишига боғлиқлиги аниқланган.

Бу соҳада ҳукукий тартибга солишнинг мослашувчанлиги ва ҳукукий кафолатларнинг қатъийлиги ўртасидаги оптимал мувозанат давлат томонидан ўз ривожланишининг ҳар бир муайян босқичида қўйилган мақсадларга боғлиқ. Ишдан бўшатишда ҳукукий кафолатларнинг кўплиги ходимларни ҳимоя қилишга олиб келади, ва аксинча, мазкур тартибининг соддалашиши тадбиркорликни ривожлантиришга ундейди, мослашувчанлик ва ҳукукий кафолатлар қатъийлиги ўртасида оптимал мувозанат белгиланиши эса мамлакатдаги «латент бандлик»ни олдини олишга ҳамда ишга тиклашга оид низоларнинг камайишига хизмат қиласи деган хulosага келинган.

ХУЛОСА

Тадқиқот натижасида қуйидаги илмий-назарий ва амалий таклифлар ҳамда хulosалар ишлаб чиқилди:

I. Илмий-назарий таклиф ва хulosалар:

1. «Меҳнат шартномасининг бекор бўлиши» ва «меҳнат шартномасининг бекор қилиниши» тушунчаларига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди. Унга

кўра, «мехнат шартномасининг бекор бўлиши» деганда ҳам юридик ҳодиса, ҳам юридик ҳаракатлар бўлган юридик фактлар натижасида меҳнат-хукукий муносабатларнинг тугатилиши, «мехнат шартномасини бекор қилиш» деганда эса юридик ҳаракатлар бўлган юридик фактлар натижасида меҳнат-хукукий муносабатларнинг тугатилиши тушунилади.

2. Иш берувчи ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тушунчаси меҳнат ҳукукини илмий ва ўқув-услубий таъминлашда муҳим аҳамият касб этишини инобатга олган ҳолда муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди. Унга кўра, «иш берувчининг ташаббусига кўра меҳнат шартномасининг бекор қилиниши» деганда меҳнат муносабатларининг қонун хужжатларида белгиланган асосларга кўра ҳамда корхонанинг локал хужжатларида ва меҳнат шартномасида кўзда тутилган талабларга риоя қилган ҳолда иш берувчи томонидан бекор қилиниши тушунилади.

3. Маълумки меҳнат ҳукуқида норма-принциплар катта аҳамиятга эга. Меҳнат шартномаси институтининг иш берувчи ташаббусига кўра меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги қоидаларини тадқиқ қилиш асосида куйидаги норма-принциплари аниқланди:

иш берувчининг ташаббусига кўра қонуний асосларсиз меҳнат шартномасининг бекор қилинишига йўл қўйилмаслиги (ХМТнинг 158-сонли Конвенцияси 4-моддаси);

дискриминациявий ёки шахснинг ҳукукини чеклаши ва камситиши мумкин бўлган ҳолатларнинг қонуний асос деб ҳисобланмаслиги (ХМТнинг 158-сон Конвенцияси 5-моддаси, 166-сон Тавсияларнинг 5 ва 6-бандлари);

меҳнат шартномаси бекор қилиниши ҳақида ходимни оқилона муддатларда огоҳлантириш (ХМТнинг 158-сонли Конвенцияси 11-моддаси);

ходимга ҳимояланиш имкониятларини бермасдан меҳнат шартномасининг бекор қилинишига йўл қўйилмаслиги (ХМТнинг 158-сонли Конвенцияси 7-моддаси);

асоссиз ишдан бўшатилган деб ҳисоблаган ходимнинг судга ёки тегишли органларга мурожаат қилиш имкониятини таъминлаш (ХМТнинг 158-сонли Конвенцияси 8-моддаси);

меҳнат шартномасини бекор қилишнинг асосли эканлигини исботлашни иш берувчи зиммасига юклатилиши (ХМТ 158-сонли Конвенцияси 9-моддаси);

меҳнат шартномасини бекор қилишнинг қонунийлигига тегишли ваколатли органлар томонидан баҳо берилиши (ХМТ 158-сонли Конвенцияси 9-моддаси);

ишдан бўшатиш нафақаси ва бошқа шаклда даромадларни ҳимоялашга бўлган ҳукуқ (ХМТнинг 158-сонли Конвенцияси 12-моддаси);

вакиллик органлари ва бошқа ваколатли органларни хабардор қилиш ҳамда улар билан ишдан бўшатиш оқибатларини юмшатиш бўйича маслаҳатлашувлар ўтказиш (ХМТ 158-сон Конвенцияси 13 ва 14-моддалари).

